



ҒАРБ ТАЪЛИМОТЛАРИДАГИ “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТУШУНЧАСИ ҲАМДА УНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдираимов Расулбек

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси кундузги таълим 3-курс курсант

Аннотация: ушбу мақолада “оммавий маданият” ва профилактика инспекторини оммавий маданиятнинг профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этишдаги ташкилий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: “оммавий маданият”, ўз-ўзини ўлдиришга тарғиб этувчи сайтлар, гомоген аудитория.

Аннотация: в данной статье описаны организационно-правовые основы организации деятельности инспектора по «массовой культуре» и профилактике массовой культуры.

Ключевые слова: «массовая культура», сайты, пропагандирующие суицид, однородная аудитория.

Annotation: this article describes the organizational and legal basis of organizing the activities of the inspector of "mass culture" and prevention of mass culture.

Keywords: "mass culture", sites promoting suicide, homogenous audience.

Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, хали илм-фанда „антикултура“ („ғайримаданият“) деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун „Поп (оммавий) маданият“ тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, „оммавий маданият“, аслида маданиятсизлик, яъни маънавийтсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. „Оммавий маданият“ шу боисдан, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келади. Оммавий маданият кўринишлари

Китч (заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш),

комикс (тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа — расм маҳсулотлари),



старизм (субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш),

Ҳиппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган „кескин“ томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб абжағини чиқариш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий „кўнгил очиш“лар уюштириш) „оммавий маданият“нинг айрим кўринишларидир.¹

Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар, "Бизга „Тўққизинчи симфония“ (Бетховен) керак эмас!" ёки „Мона Лиза“ни лойга қориштирамиз!" каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар „оммавий маданият“ тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб ёзадилар.

Ажабланарлиси, гоҳида гоҳида истеъдодли инсонлар ҳам „оммавий маданият“ тарғиботчиларининг қутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қуймоқда. Масалан, рассом Сальвадор Дали Леонардо да Винчининг „Мона Лиза“ („Жаконда“) асарини кулги қилиб, Мона Лиза лаблари устига мўйлов чизган ва „Мўйловли Жаконда“ асарини яратган. Мана шундай „аччиқ истеҳзоли, қора мазмунли кулги“ — „оммавий маданият“ фаолиятининг энг етакчи белгиларидан биридир.²

„Оммавий маданият“ намояндалари қора, заҳарханда, беҳаё кулгуни „исён ифодаси“ деб билишади. „Нимага қарши исён“ деган савол туғилади. Агар „поп-маданият“ дунёга „эхсон“ этаётган „поп-арт“ („тасвирий санъат“ деса ҳам бўлади), "поп- натижаларига қараб ҳукм юритилса, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади: юксак маданиятни, маънавиятни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди.

Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат — алоҳида истеъдодлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари „поп-маданият“ тарафдорларининг ўта даражада ғашини келтиради. Уларча, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. „Поп-арт“ — оммавий санъат шу хулоса манбаида вужудга келган.

Чунончи, „оммавий маданият“ намояндаларидан бири Карл Маннинг фикрича, атроф-борликда, маиший ҳаётда мавжуд барча нарсалар (масалан, консерва банкалари, синиқ тиш чўткалари, машина, водопровод кабиларнинг занглаган бўлаклари, турли суратлар, журнал-газета қийқимлари ҳам) ҳаёт

¹ <https://uz.wikipedia.org/wiki/>

² <https://uz.wikipedia.org/wiki/>



бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб берилиб, одамлар назарига тутилса, бу оддий чиқиндилар баайни археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори атиқалардай ўзгача аҳамият касб этиб, „санъат, маданият намуналари“ қаторидан ўрин олар эмиш.

„Поп-арт“чиларнинг дастурий қараши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади; маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси — маънавиятни ўлдириш ва „нарсаларга қуллик“ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Р. Бредбери айтганидек, „оммавий маданият“ мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси — автомобил, телевизор, музлаткичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, уларга шунча яхши.

Бугунги кунда халқимиз орасида ҳамда ОАВ орқали “Оммавий маданият” миллий маънавият ва маданиятимизга ёд бўлган иллат эканлиги хусусида бахс мунозаралар атрофлича давом этмоқда. Қўштирноқ ичидаги “Оммавий маданият”нинг таъсири ва салбий оқибатлари нафақат ёшларимиз тарбиясига, миллий санъатимизга балки, ёши катта инсонларимизнинг кийиниш услубида, ҳаёт тарзида акс этаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Глобаллашув жараёнлари “Оммавий маданият”ни жадаллаштирмоқда. Бу ниқоб остида иш кўраётганларнинг ҳатти-ҳаракати асрлар давомида сайқал топиб келаётган миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурматсизлик, беписандлик, уларни йўқ қилишга қаратилган таҳдидлар мамлакатимиздаги ҳар қандай маънавияти тўқис инсонни ташвишга солмай қўймайди. Бугун дунёнинг маънавий қиёфасига назар ташласак ахлоқсизликни, маданиятсизликни, маънавиятсизликни эркинлик деб билиш, миллий урф-одатлар ва қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар маънавий ҳаётга, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта таъсир этмоқда, хавф солмоқда.

Айниқса, ёшларимиз омма орасида ўзини тутиши этикетларига риоя қилмаслиги, ёши катта инсонларни, устозларини, жойи келса ота-онасига ҳам ҳурматсизлик қилаётганини очик айтишимиз мумкин. 2017 йилнинг 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашуви соҳа ривожига янги тарихий даврни бошлаб берди. Ана шу учрашувда миллий маънавиятимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар танқидий таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари, ижодий уюшмалар ва давлат



ташкilotлари олдида турган муҳим вазифалар кўрсатиб берилган эди. Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди, деди Президентимиз. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маънавият ва маданиятимизга қараб баҳоланади. Дарҳақиқат эртанги кунимиз эгалари “Оммавий маданият”ни турли хил кўринишларини экран орқали намойиш этилаётган нафақат хорижий телеканалларидаги санъаткорлардан андоза олишмоқда, балки юртимиздаги баъзибир хонандаларнинг кийиниш маданияти, инстаграм тармоғидаги суратга тушган расмларидан ҳам кўчирма қилишмоқда. Натижада эса ёшларимиз кундалик ҳаёт тарзини режа асосида Ватанига нафи тегадиган меҳнат билан банд этиш ўрнига, шунчаки фойдасиз машғулотлар билан ўтказиб юбормоқда. Айбни фақат санъат аҳлига қўйишимиз нотўғри. Лекин, бугунги кун талаба-ўқувчилари миллий минталитети шаклланишида қўшиқчиларнинг омма олдида ўзини тутиши, кийиниш маданияти каби “Оммавий маданият” туркумига кирувчи зарарли одатлари таъсир этмаяпти дея олмаймизку. Интернет ёшларимизнинг билим салоҳиятини ошириш билан бир қаторда онгини заҳарловчи манбаа сифатида ҳам таъсир ўтказаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда миллийликка раҳна солувчи, кўпроқ ғарбга хос бўлган порнографияни тарғиб қилувчи дастурларнинг берилиши кучаймоқда. “Оммавий маданият” оқимини олиб кирувчи кушандалардан бири интернет тармоқларидаги турли хил кўринишдаги фото ва видео лавҳалардир. Аммо ҳар бир жиноятни олдини олиш мумкин бўлгани каби, ахборот асрида, ривожланиш жараёнларида атрофимизда рўй бераётган воқеа- ҳодисаларнинг фойдали ва зарарли томонларини тез илғай олиш, таҳлил қилиш, огоҳ бўлиш, бу ҳақда тўғри хулоса чиқариш орқалигина маданий, маънавий қарамликнинг олдини олишга эришишимиз мумкин. “Оммавий маданият” таъсири остида ёшларни қотиликка даъват этувчи турли компьютер ўйинлари, шунингдек телевидение орқали намойиш этилаётган беҳаёликни ошқора тарғиб қилувчи турли фильмлар ўсмир ёшидаги йигит ва қизларимизни миллий маданиятимизни поймол қилиб андишасизликка чорловчи бу каби жараёнларга бефарқ бўлиш асло мумкин эмас. Энг ёмони, бундай хуружлар ҳаётнинг барча жабҳаларига таъсир кўрсатишга уринмоқда.

XXI асрнинг муҳим хусусиятларидан бири – инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайганлигидир. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига айти замонда тоборо кўпроқ



мафкуравий воситалар ва маънавий қуроллар қўлланилмоқда. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга маънавият майдонида юз бермоқда. Бошқа ҳудуд ва халқларни ўзига қарам қилиш учун энди очик кўриш ва сезиш қийин бўлган усул ва воситалар, хусусан маънавий бузғунчилик усулларида фойдаланилмоқда.³ Бугунги кунда «оммавий маданият» никоби остидаги фаолият ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик ортириш, бошқа халқларнинг кўп минг йиллик анъана ва қадриятлар, турмуш тарзини маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган ҳатарли таҳдидлардир. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки «оммавий маданият» одамларнинг дидини юксалтиришга, миллий ва жаҳон санъатининг мумтоз асарларини тушунишга эмас, балки улардан узоқлаштиришга хизмат қилади, бундан ташқари, у юксак бадий дидни ўртамеъна, оммабоп даражага тушириб, пасайтириб юборади. Халқимизнинг ахлоқ, андиша, шарму-ҳаё, ҳалоллик ва покизалик, инсон қадр-қиммати тўғрисидаги маънавий қадриятларига зид бўлган «оммавий маданият» яъни европача янги анъаналар ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир ўтказади. Ахборот таҳдиди деганда ёлғон, уйдирма ахборотларни тўқиб чиқариш, уларни оммавий ахборот воситалар орқали тарқатиш йўли билан салбий ижтимоий фикрни шакллантириш тушунилади. Бугун катта ёлғонлар ўйлаб топилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ахборот уйдирмалари ортида турли сиёсий кучлар аниқ кўзланган мақсадларига интилмоқда. Шу сабабли ўз келажагини ўйлаган ҳар бир инсон, халқ оммавий воситалар орқали узатилаётган ахборотларни текшириб, уларни ҳаёт билан тақослаб қабул қилиши зарурдир. Бугун “Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга эгалик қилади”, — деган тамоил амал қилади.

Дунёнинг энг қудратли ОАВга “Си-эн-эн” (1,5 миллиард аудиториясига эга), БИ-би-си (1,2 миллиард), Рейтер ахборот агентлиги (1,0 миллиард) киради. ОАВ ростни ёлғонга, ёлғонни ростга айлантириш имкониятларига эга. Шу сабаб ҳар бир инсон ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва узатиш маданиятига эга бўлиши шарт. Инсоният ахборотдан фойдаланиш маданиятига эга бўлмас экан, “дахшатли ёлғон”лар измидан чиқиб кета олмайди. Бугун интернет бутун дунёни эгаллади. Унинг ижобий ва салбий жихатларини тушуниб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозир дунё аҳолисининг 2,1

³ Ш.Т. Икромовнинг умумий таҳрири остида “Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш” маърузалар тўплами — Т.: «Академия». 2013. 393-бет,



миллиарди интернет тизимидан фойдалинилмоқда. Шулардан 9 миллионини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Маълумотларга кўра, Интернет тармоқларида:

ўз-ўзини ўлдиришга тарғиб этувчи 10 мингта (ўзини ўзи ўлдириш бўйича ҳозир ғарб биринчи ўринни эгаллаган):

шахвоний хирсни кўзғатувчи 5 мингга яқин сайтлар мавжуд (Ғарбда бугун “Эркин севги” ғояси тарғиб қилиниши оқибатида “оила экологияси” деган тушунча пайдо бўлди):

мавжуд сайдларнинг 12 фоизида порнографик ҳарактердаги ғоялар тарғиб қилинмоқда:

улардаги оддий болаларбоп ўйинларнинг қарийб 50 фоизида зўровонлик, 40 фоизидан кўпроғида жангарилик намоиш этилади.

Ундан ташқари, 10 фоиз ёшлар “компьютербозлик”(геймбллик) дардига мубтало бўлишган. Интернетга ҳақиқат манбаи эмас, ахборот олиш имконияти сифатида қараш лозим. Интернет орқали тарқалаётган барча шакллардаги ахборотнинг чинини ёлғонидан ажратиб олиш учун мустақил фикрлаш талаб этилади. Мустақил фикрлаш, мафкуравий иммунитет, юксак маънавият ғоявий ва информацион таҳдидларга қарши курашнинг бош омилидир. Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки бозорлардаги видеофильмлар, дисклар, радио-телевидения, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Интернет тизимининг салбий таъсири порнографик, жоҳиллик, жанггарилик, ахлоқий бузуқлик каби ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.⁴

«Оммавий маданият» тушунчаси биз учун янги тушунча ҳисобланади. Бироқ у Ғарб олами учун анча танишдир. Ўзбекистонда бу муаммога жамоатчилик эътиборини илк бор Биринчи Президентимиз И.А.Каримов қаратиб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим.... Четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак»⁵.

⁴ Ш.Т. Икрамов “Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш” маърузалар топлами — Т.: «Академия». 2013. 399-бет,

⁵ Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият». 2008. 17-бет



Ҳозирги даврда Ғарбда «оммавий маданият» жамиятнинг барча жабҳаларига кириб борган бўлиб, у ўзининг ягона семантик кенглигини шакллантирган. «Оммавий маданият»ни алоҳида олинган социо-маданий воқелик сифатида таҳлил этиш натижасида унинг асосий таснифларини кўрсатиш мумкин. Улардан қуйидагиларни келтирамиз:

- гомоген аудиторияга йўналганлиги;
- ҳис-туйғуларга, иррационалликка, жамоага, онгсизликка таяниши;
- тезлик билан жалб этиш;
- тезда унутиш;
- анъанавийлик ва консерватизм;
- қизиқарлилиги.

Лекин «оммавий маданият» мустақил ҳодиса сифатида ўта зиддиятли тарзда баҳоланади. Умуман, унга нисбатан нуқтаи назарларни иккига бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ вакиллари «оммавий маданият» феноменига салбий баҳо берадилар. Уларнинг фикрича, «оммавий маданият» ўз истъомчиларида ҳақиқий воқелик тўғрисида пассив ва нотўғри таасаввурларни шакллантиради. Бу ҳолат шу билан далилланадики, «оммавий маданият» асарларида индивид атрофидаги социомаданий кенгликда рўй бераётган ҳодисаларга нисбатан тайёр ҳолдаги жавоблар берилади.

Иккинчи гуруҳ вакиллари «оммавий маданият» таъсирдан қадриятлар тизими ўзгариб боради: қизиқарли ва кўнгилочар бўлиши устуворлик характери касб этади.

«Оммавий маданият»ни ижтимоий онга нисбатан салбий таъсири сифатида олимлар унинг ҳаётий воқеликка мўлжалланган образларга асосланмасдан, балки унинг имиждар тизимига таянади. «Оммавий маданият» ўз моҳиятига кўра сохта маданият бўлиб, у ҳақиқий маданиятдан фарқ қилади. У ўзининг аксарият шаклларида ижтимоий тараққиётга ва инсоннинг маънавий юксалишига асло хизмат қилмайди. Ҳақиқий маданият эса инсонни маънавий ривожлантиради ва такомиллаштиради. «Оммавий маданият» эса унга тескари вазифани бажаради. Жамиятимизда демократик қадриятлар изчил таркиб топиб бормоқда. Бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун қабул қилиш, маънавий ва ахлоқий қоидаларга янгича муносабат, мафкуравий ва маърифий янгиланиб бориш каби хусусиятлар шаклланди. Айни пайтда, демократик турмуш тарзининг юзага келишида маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари ҳам пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолат



онгли ва мақсадли равишда четдан туриб шакллантирилмоқда. Зеро, «ҳақиқат ва холисликдан йироқ бўлган, фақат ғаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай қарашлар ҳеч кимга наф келтирмайди ва ҳеч кимнинг обрўсига обрў қўшмайди, албатта».

Рус файласуф олимаси Ю.А.Ювдокимова узоқ йиллар давомида «оммавий маданият» ҳодисасини чуқур ўрганиб, унинг таҳдидидан даҳшатга тушган эди. Чунки олима рус аёллари характери ва хулқ-атворидаги нисбатан ўта «очиклик» иллатига қарши чора топиш ниятида «оммавий маданият»ни тадқиқ этган эди. У бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Даҳшат, бизнинг, яъни рус халқини маданияти юксак лекин, Европа ва АҚШни ўз исканжасига олган «оммавий маданият» эса қип-қизил шармандалиқдан бошқа нарса эмас». Шунингдек, олима яна қуйидаги фикрларни билдиради: «оммавий маданият» бу - бир гуруҳ шахслар томонидан ўйлаб топилган ва онгли равишда тарғиб қилинадиган, бирор миллат маданиятига дахли бўлмаган ғоялар, одатлар ва удумлар йиғиндисидан иборатдир».

Эътибор беринг, олима «оммавий маданият» атайин, ўйлаб топилган ҳодиса, демоқда. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: «оммавий маданият»ни ўйлаб чиқаришдан мақсад асосан миллий маданиятларни ичидан емириш, дидсиз, савиясиз ва ўзлигини унутган янги глобал авлодни шакллантириш ва зомбиларни тарбиялашдир. Оммавий маданият» иллатининг мамлакатга кириб келишидан огоҳ қилар экан, унинг қуйидаги кўринишларини ажратиб кўрсатадилар: ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм; эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

Агар «оммавий маданият»нинг юқоридаги каби белгиларини чуқурроқ таҳлил этсак, қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Ахлоқий бузуқлик. Бу энг тубан инсоний фаолият бўлиб, у аста-секин «эркин муҳаббат»дан «бир жинсли инсонлар ўртасида никоҳ тузиш»гача бўлган босқичларга кўтарилади. У ёшларни маънавий жихатдан айнитиб, минглаб йиллардан буён ардоқланиб келаётган муқаддас муҳаббат анъанаси ўрнига зинокорликни тақдим қилади. Масалан, «бугунги кунда АҚШнинг 30 фоиз аёллари никоҳга киргунга қадар камида икки марта бола олдирадилар, шунингдек қизлар ҳам анашу руҳда тарбия топмоқда. Аксарият сайловчилар бу каби турмуш тарзига халақит берувчи ҳар қандай сиёсатга қарши овоз



беришади». Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота- боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва ифғат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, уят ўлимдан қаттиқ, деган гаплар халқимиз тилида ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, аксинча, бундай иборалар элюртимизга мансуб эзгу ва гўзал ахлоқий кадриятларнинг асл мазмунини ифода этади.

2. Зўравонлик. Бу иллат мазмунини инсоннинг инсон устидан ўз ҳукмронлигини ўтказиш ташкил қилади. Зўравонлик шахс ҳуқуқини поймол қилиб, унинг онгида ҳайвонийлик ҳис-туйғуларини ва хусусиятларини таркиб топтиради. У бугунги кунда фильмлар, компьютер ўйинлари ва турли интернетдаги қўлланмалар воситасида тарғиб қилинмоқда. Булар орасида айниқса, даҳшатли кинолар нафақат интернет сайтларини, балки катта кино экранларни ҳам эгаллаб бораётганлиги ташвишли бир ҳолдир.

3. Индивидуализм. Бу ғояга кўра шахс ўз манфаатларини ўзгалар манфаатларидан устун қўяди. Шахс индивидуалчи бўлиши керак. Лекин, шахс индивидуаллигининг ҳам ўз меъёрлари мавжуддир. Индивидуализм жамоавийликнинг зиддий кўриниши бўлиб, у шахсни жамиятдан айро яшашга, қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик ва жамоавийликка қарши руҳда вояга етказди. Бу иллатга мубтало бўлган киши ўз манфаатларини ўзгаларникидан устун қўяди, фақат ўзи учун яшаш одатини ўзлаштиради. Индивидуализмни ғояси Европа маданий анъаналарини кўз-кўз қилиб тарғиб этиш билан бу ғояни



жорий қилишга уринмоқда. Бу ғояга биноан инсон фақат ўзи учун яшашни афзал билиши лозим.

4. Эгоцентризм. Бу ғоя инсоннинг «мен»лигини устувор қўйишдан иборатдир. Унга кўра, инсон ҳар бир нарсага ўзининг «мен»лик нуқтаи назаридан қарайди. Бунинг энг ташвишли жиҳати шундаки, ундай одам ўзини доимо ҳақ деб билади, ўзгаларга нисбатан беписанд қараш, ўз хаттиҳаракатларини мутлақо тўғри деб билиш эгоцентризмнинг энг асосий белгисидир.

Ҳозирги даврда эгоцентризм иллоти ақидпарастлик, манманлик ва худкушлик кўринишларида ҳам намоён бўлмоқда. Шу сабабли ҳам бу иллат вояга етиб келаётган ёш авлодни ижтимоий жиҳатдан чалғитиши турган гап. Шунингдек, «оммавий маданият»нинг аломатлари жамиятимизда ҳам намоён бўла бошлади. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: афсуски, ҳозирги вақтда фарзандларимиз кўпинча хорижда ишлаб чиқарилган, бизнинг миллий табиатимиздан узоқ бўлган ўйинчоқ ва кўғирчоқларни ўйнаб улғаймоқда. Маълумки, ҳозирги даврда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон «оммавий маданият» таҳдидининг маъно-мазмунини чуқур англаб олиши муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг илмий меросида, манбаларда ўзбекларда кадрланган, ўзбекона ахлоқ, одобга оид маънавий фазилатлар ҳақида кўплаб қимматли фикр, маълумотлар мавжуддир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида ўзбекларга хос бўлган кўплаб маънавий-ахлоқий сифатларни тасвирлайди. Булар иймон ва эътиқодлилик, андишалилик, оилага муҳаббат, болажонлик, ҳалоллик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, фарзандларнинг ота-оналарига, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларига меҳрибонлиги, диний қадриятларга риоя қилиш, саводхонлик, саҳоватлилик, хушфезллик, ширинсўзлик, мардлик, одиллик, ҳаёлилик, саҳийлик, одамийлик, оқ кўнгиллилик, меҳнатсеварлик ва бошқалардир.

Оммавий маданият хуружларининг профилактикасининг ҳуқуқий асосларига тўхталишимдан олдин Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек: “Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва



ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”.⁶

Ўтган йиллар ичида Асосий қомусимиз бўлмиш Конституцияга таяниб, республикамиз ички ишлар органлари тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Шу билан бирга «оммавий маданият» хуружларининг профилактикасининг ҳозирги кунда муайян ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. «Оммавий маданият» хуружларининг профилактикасини амалга ошириш муайян ҳуқуқий асослар замирида ташкил этилади, қонунга асосланмаган ҳар қандай фаолият нафақат ҳуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалдаги ҳуқуқ-тартиботни таназзулга олиб келади. Конституциямизнинг барча нормаларидаги қоидалар демократик жамиятдаги ижтимоий муносабатларни адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи сифатида хизмат қилиши ҳар қандай ҳуқуққа хилоф, шу жумладан, жиноий қилмишнинг олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қанча қоидалари, ўз навбатида, бевосита оммавий маданият хуружларининг айнан халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи ахлоқий бузуклик ва зўравонликнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи турли ахлоқий бузуклик ва зўравонликдан ҳимоя қилишда, шу билан бирга фуқароларнинг умуминсоний, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш руҳида тарбиялашда асосий манба бўлиб ҳисобланади, ҳақиқатдан ҳам оммавий маданият хуружларининг профилактикасини амалга оширишда энг асосийси фуқароларнинг умуминсоний, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий нормаларга риоя руҳида тарбиялашдир, чунки шахс умуминсоний, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга риоя қилинса ўз ўзидан ахлоқий бузуклик ва зўравонликка барҳам берилган бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддаси билан Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти

⁶ Юсак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият». 2008. 17-бет



тақиқланиши ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланиши⁷ ҳамда б1-моддаси билан фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар ва маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидалиги белгиланганлигининг ўзи ҳам айнан омаввий маданият хуружлари профилактикасининг ҳуқуқий асоси дейишимиз мумкин⁸.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. 2023 й.
2. Ислон Каримов. “Юксак маънавият-енгилмас куч.” Т.: «Маънавият». 2008. 17-бет.
3. *Мирзиёев Ш.М.* [Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.](#) – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.
4. *Мирзиёев Ш.М.* [Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.](#) Т.», «Ўзбекистон», 2017. – 48 б.
5. *Мирзиёев Ш.М.* [Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир.](#) – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон” 2023.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон” 2023.